

Каъбатуллоҳ устида ноёб табиий ҳодиса юз беради



19:00 / 26.05.2021 3104

Астрономларнинг таъкидлашича, 27 май пайшанба куни маҳаллий вақт билан соат 12:18 да Масжидул Ҳаромда қуёш Каъбатуллоҳга тўғри келади. Бу ҳақда islam.ru манбаси хабар беради.

«Қуёш айланаси тўғридан-тўғри Каъбатуллоҳнинг устида жойлашган бўлади ва қисқа вақт ичида соясини йўқотади», дейди Жидда Астрономия Жамияти раҳбари Мажед Абу Заҳра. Астрономларнинг таъкидлашича, «соясиз» деб номланган ушбу ҳодиса ноёб географик жойлашуви туфайли Масжидул Ҳаромда йилига икки марта содир бўлади.

Таржимон: Мунира Баҳодиржон қизи